

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ГЕРБИОН® СИРОП ПОДОРОЖНИКА

**Препаратнинг савдо номи:** Гербион® сироп подорожника

**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** Баргизўт ва оддий мальва экстрактлари/аскорбин кислотаси

**Дори шакли:** сироп

**Таркиби:**

**фаол моддалар:** ланцетсимон баргизўт барглари ва оддий мальва гулларининг суюқ сувли экстракти, оддий мальва гуллари ва С витамини. 5 мл сироп (1 ўлчов қошиқчаси) қуйидагиларни сақлайди:

- 2,5 г ланцетсимон баргизўт барглари (*Plantago lanceolata L. s.l., folium*) ва оддий мальва гуллари (*Malva sylvestris L., flos*) аралашмасининг суюқ экстракти, бу 0,25 г ланцетсимон баргизўт барглари ва 0,25 г оддий мальва гулларига эквивалент. Экстрагент: сув;

- 65 мг аскорбин кислотаси (С витамини) 73,12 мг натрий аскорбати шаклида.

**ёрдамчи моддалар:** сахароза, метилпарагидроксibenзоат (E218) ва апельсин мойи хушбўйи.

**Таърифи:** Ўзига хос ҳид ва таъмга эга бўлган жигаррангдан қизғиш-жигарранггача сироп. Келиб чиқиши табиий бўлган моддалар учун ўзига хос бўлган чўкманинг мавжуд бўлишига йўл қўйилади.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** балғам кўчирувчи восита.

**АТХ коди:** R05D

### **Фармакологик хусусиятлари**

#### **Фармакодинамикаси**

«Гербион® сироп подорожника» препаратида ланцетсимон баргизўт экстракти (*Plantago lanceolata L.s.l.*) ва ўрмон мальва гуллари (*Malva sylvestris L.*), ҳамда С витамини аралашмасидан экстракт сақланади. Қайси фаол моддалар иккала доривор гиёҳларнинг даволаш самараси учун масъул эканлиги ҳозирги кунгача аниқланмаган. Иккала препаратларнинг таъсирида муҳим ролни ланцетсимон баргизўт ва ўрмон мальва барглари шилликлари, ҳамда ланцетсимон баргизўт барглари иридоид гликозидлари (аукубин) ўйнайди деб тахмин қилинади.

Сироп экстрактларнинг шиллиқларини сақлаганлиги сабабли, у юқори нафас олиш йўллари шамоллаши билан кузатиб борилувчи куруқ, қичитувчи йўталда шиллиқ модда сифатида таъсир қилади. Шиллиқлар механик тарзда оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қаватини ҳимоя қатлами билан қоплайди ва шундай тарзда йўтал рефлексини пасайтиради.

С витамини организмдаги кўпчилик метаболик жараёнларда иштирок этади; иммун тизимни мустаҳкамлайди ва ҳужайралар регенерациясига ёрдам беради.

#### **Фармакокинетикаси**

**Иккала доривор гиёҳлардаги фаол моддалар**

Сиропдаги иккала доривор гиёҳларнинг фаол моддаларини сўрилиши, тақсимланиши ва метаболизи тадқиқотлари ўтказилмаган, чунки қайси фаол моддалар самарага ёрдам бериши ва қандай даражада самара кўрсатиши аниқ номаълум бўлиб қолмоқда.

#### **Аскорбин кислотаси**

Аскорбин кислотасининг (С витаминининг) сўрилиши оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватида бошланади ва 12-бармоқли ва ингичка ичакда давом этади. Кислота ҳар хил тўқималарга ва ҳужайраларга тақсимланади. Одамда аскорбин кислотаси дегидроаскорбин кислотасигача қайтариб бўлмайдиган оксидланади, у кейинчалик оксалин кислотаси ва

аскорбат-2-сульфатгача қисман метаболизацияга учрайди, улар организмдан сийдик билан чиқарилади. Организмга керак бўлмаган аскорбин кислотасининг ортиғи ўзгармаган кўринишда сийдик билан чиқарилади.

### **Қўлланилиши**

«Гербион® сироп подорожника» ўзи билан қуйидагиларда йўталга қарши восита сифатида тавсия этилган гиёҳлардан келиб чиққан дори препаратини тақдим қилади.

- юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликлари билан кечувчи курук йўтал;
- чекувчилардаги курук йўтал;
- йўтал билан кечувчи шамоллаш касалликларида қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

#### Дозалаш тартиби

*Катталарга* - 2 ўлчов қошиқдан кунига 3-5 маҳал.

#### *Болалар*

2 ёшдан 7 ёшгача - 1 ўлчов қошиқдан сироп кунига 3 маҳал.

7 ёшдан 14 ёшгача - 1-2 ўлчов қошиқдан сироп кунига 3 маҳал.

14 ёшдан катта болаларга - 2 ўлчов қошиқдан сироп кунига 3-5 маҳал.

Сироп шифокор билан олдиндан маслаҳатлашмасдан 2 ёшдан кичик болаларга тавсия этилмаган.

#### Қўллаш усули

Ичга.

Истеъмол қилишдан олдин чайқатилсин.

Пациентларга препаратни қабул қилгандан кейин дарҳол ичимлик ичиш ёки таом истеъмол қилиш ярамайди, чунки овқат ва ичимликлар оғиз бўшлиғи ва томокнинг шиллик қаватидан препаратнинг олиб ташланишини тезлаштириши мумкин.

Агар 1 ҳафта ўтгандан кейин симптомлар ғойиб бўлмаса, шифокорга ёки фармацевтга маслаҳат учун мурожаат қилиш керак бўлади.

### **Ножўя таъсирлари**

Барча дори препаратлари каби, мазкур препарат ҳам ножўя самараларни чакириши мумкин, гарчи улар ҳаммада ҳам пайдо бўлмайди.

#### *Иммун тизими томонидан бузилишлар*

Кам ҳолларда учрайдиганлар (1000 кишидан кўпи билан 1 кишида юзага келиши мумкин): препарат компонентларига юқори сезувчанлик реакцияси.

Юқори сезувчанлик ривожланишида сиропни қўлланилишини бекор қилиш ва ўз шифокорингиз ёки фармацевтингизга мурожаат қилинг.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

2-қисмда санаб ўтилган таъсир этувчи моддаларга, ва/ёки ёрдамчи моддалардан исталганига нисбатан юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Маълумки, мазкур препарат бошқа препаратларнинг самарасига таъсир кўрсатмайди.

### **Махсус кўрсатмалар**

Нафас сиқиши, иситмали қалтироқ ёки қонли балғамнинг пайдо бўлишида шифокорга мурожаат қилиш керак.

7 кун давомида препаратни қўллаш фонида касаллик симптомларининг сақланиб қолиши ёки ҳолатнинг оғирлашишида шифокорга мурожаат қилиш керак.

Пациентга даволаш курси давомида, аммо препаратни қабул қилгандан кейин дарҳол эмас, кўп сув ёки бошқа илиқ ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

«Гербион® сироп подорожника» сахароза сақлайди, шунинг учун қандли диабет бўлган пациентларга тавсия этилмайди.

#### Болалар

Сироп шифокор билан олдиндан маслаҳатлашмасдан 2 ёшдан кичик болаларга тавсия этилмаган.

#### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

Ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида қўллаш хавфсизлиги бўйича маълумотлар чегараланганлиги сабабли, сиропни ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида қўллаш тавсия этилмайди. Фертиликка таъсир бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

#### **Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**

Маълумки, препарат транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлашга нисбатан қобилиятга таъсир кўрсатмайди.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Ҳозирги вақтгача дозани ошириб юбориш ҳолатлари ҳақида хабар берилмаган.

#### **Чиқарилиш шакли**

150 мл сиропдан суюқликни бўлувчи пластмасса тиқин ва биринчи очишни назорат қилишли пластик қопқоқ билан ёпилган тўқ шишадан флаконда.

1 флакондан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга пластик ўлчов қошиқчаси билан картон қутига жойлаштирилади.

#### **Сақлаш шароити**

Флакон очилгунига қадар:

30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Флакон очилгандан кейин:

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Флакон очилганидан кейин сиропни 3 ой давомида қўллаш керак.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

#### **Ишлаб чиқарувчи**

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасини сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қиладиган ташкилотнинг номи ва манзили:**

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» Ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99878 150 2828, +99878 150 2929, телефакс: +99878 150 1044